



Harmony of sport and aesthetics in Ancient Greek culture

Sherzod AZIMOV¹

Samarkand State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022
Received in revised form
25 June 2022
Accepted 25 July 2022
Available online
20 August 2022

Keywords:

sport, culture,
aesthetics,
Ancient Greece,
beauty,
artistic perception.

ABSTRACT

It is known that today sport is becoming an important factor in public life. It performs the most important sociocultural functions of understanding the values of youth, success, pragmatism, utilitarianism, etc. The article analyzes the historical roots of the fact that sport has become the most popular spectacle, shaping its aesthetics and exerting a strong influence on people's behavior.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4-pp195-200>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қадимги Юнон маданиятида спорт ва эстетика уйғунлиги

АННОТАЦИЯ

Маълумки, бугунги кунда спорт ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айланади. У ёшлик, муваффақият, прагматизм, утилитаризм ва бошқаларнинг қадриятларини тушунишнинг энг муҳим ижтимоий-маданий функцияларини бажармоқда. Мақолада спортнинг энг оммабоп томошага айланганлигининг тарихий илдизлари, ўзининг эстетикасини шакллантириб, одамларнинг хатти-ҳаракатларига кучли таъсир ўтказиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

спорт,
маданият,
эстетика,
қадимги Юнонистон,
гўзаллик,
бадий идрок.

¹ Doctoral student of Samarkand State University.

Гармония спорта и эстетики в Древнегреческой культуре

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

спорт,
культура,
эстетика,
Древняя Греция,
красота,
художественное
восприятие.

Известно, что сегодня спорт становится важным фактором общественной жизни. Он выполняет важнейшие социокультурные функции понимания ценностей молодости, успешности, прагматизма, утилитаризма и т.д. В статье анализируются исторические корни того, что спорт стал самым массовым зрелищем, формируя его эстетику и оказывая сильное влияние на поведение людей.

КИРИШ

Замонавий инсон тотал эстетизация даврида яшамоқда ва унга йўналтирилган асосий объект танадир. Постмодернизм даврида тананинг қанчалик гўзаллиги жуда муҳим ва айнан мана шу мезонлар инсоннинг ижтимоий-маданий макондаги муваффақиятини белгилаб беради. Инсон танаси “лойиҳа”га айланиб, актуаллаштириш ва ўз-ўзини ташкиллаштириш воситасига айланади [2], у субъект сифатида ўз табиатини йўқотиб, инструментал йўналишга эга бўлади. Фуко постмодерн парадигмада тананинг маънавийга қаршилигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “тана – инсон ва онгининг асосий таркибий қисми, барча интеллектуал ва ҳиссий фаолиятнинг ҳаракатлантирувчиси, инсон ва олам ўртасидаги асосий воситачидир” [9].

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Шундай қилиб, соғлом, бақувват, спортчи тана постмодерн жамиятининг асосий қадриятидир. Гюнтер Гебауэрнинг таъкидлашича, яланғоч тананинг ўзи, кийимсиз, эгасининг ижтимоий мавқеини аниқлашга имкон беради [4]. Шунга кўра, замонавий жамият рақобатбардош одамни яратади, унинг танаси маълум жисмоний хусусиятларга эга ва уларга мувофиқ қуйидагича белгиланади: соғлом-тана, гўзал-тана, спорт-тана.

Г. Гебауер шундай ёзади: “Ҳозирги замон урфининг ўзаги бу тананинг жисмоний гўзаллигидир... Тана инсоннинг бутун турмуш тарзини намоён этади ва очиб беради: тўғри овқатланиш, жисмоний машғулотлар, соғлом ақл, тозакорлик” [4]. Шу маънода соғлом тана деганда касалликдан холи бўлган гўзал организм тушунилади. Гўзал тана жисмоний фаолиятнинг натижаси бўлмаслиги мумкин, аммо унинг таъсири соғлом тананинг шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, гўзал танани кундалик гигиенасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Саломатликни мустаҳкамлаш билан бирга гигиена алоқа воситасидир. Нопок тана алоқани тўхтатиш учун сабаб бўлади, тоза тана эса ижтимоий норма бўлиб, одамларнинг “яқинлашишига”, улар ўртасидаги муваффақиятли мулоқотга ёрдам беради. Шунга кўра, замонавий гўзал инсон учун тана инвестицияларнинг асосий объектларидан биридир [3].

Гўзал ва спортчи тана ғоясига келсак, тана замонавий жисмоний маданиятнинг ривожланган саноати томонидан яратилган маҳсулотдир. Айнан шу саноат орқали инсон табиий танани спортчи танага айлантиради. Шу билан бирга, унинг параметрлари гўзал тана ҳақидаги омманинг эстетик ғояларини акс

этирувчи тенденцияларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Масалан, замонавий эркакнинг гўзал танаси, албатта, гипертрофияланган мушаклар билан “безатилган” ва аёлнинг гўзал танаси ортиқча килограммлар йўқлигини англатади. Демак, трендда бўлиш бу жисмонан гўзал бўлиш, спорт билан шуғулланишдир.

Бугунги кунда спорт ва жисмоний маданият ҳар қандай жамият маданиятининг ажралмас қисмидир, чунки спорт атамаси ҳам ўз номини маданиятнинг келиб чиқишидан олади.

Маълумки, “спорт” атамаси қадимги французча “деспорте” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйин деган маънони англатади. 1938 йилда Хейзинга ўзининг “*Homo ludens*” (“Ўйновчи одам”) асарида ўйин маданиятдан келиб чиқади, деган тезисни илгари сурган. Ўйин руҳи маданиятнинг энг муҳим атрибутларидан биридир.

“Ўйин ҳам эркинлик, ҳам ихтиро, ҳам фантазия ва интизомдир. Унда маданиятнинг барча муҳим ҳодисалари мужассамлашган ва изланиш, қоидаларга риоя қилишга асосланади” [4, 88].

“Дарҳақиқат, агар ўйинлар маданиятнинг омиллари ва образлари бўлса, унда маълум даражада цивилизация ва унинг тарихидаги у ёки бу даврни унинг ўйинлари орқали тасвирлаш мумкинлиги келиб чиқади. Улар, албатта, унинг умумий кўринишини ифода этадилар ва муайян бир жамият эволюциясининг маълум бир лаҳзасида унинг афзалликлари, заиф томонлари ва кучли жиҳатлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Эҳтимол, Спартанинг тақдирини палестрадаги ўйинларнинг даҳшатлилиги, Афинанинг тақдирини софистларнинг апориялари, Римнинг қулашини гладиаторларнинг ва Византиянинг таназзулини ипподромдаги жанглари орқали олдиндан башорат қилиш мумкин эди” [4, 103]. Бахтли ўйин ва санъатнинг умумийлиги шундаки, улар ҳақиқий воқелик эмас. Шу билан бирга, улар фарқлари билан ажралиб туради: ўйин ҳаётни тасаввур қилади, санъат эса тасвирлайди.

НАТИЖАЛАР

Маданият, санъат, спорт, ҳаёт ва ўйин ўртасидаги муносабатларнинг энг ёрқин намуналаридан бири бу қадимги Юнонистондир. Қадимги юнонлар санъат ихлосмандлари сифатида жисмоний машқларнинг фазилатларини “гўзаллик”, “иноят”, “уйғунлик” каби атамалар билан таърифлаганлар. Юнонларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган бундай муносабатидан келиб чиқиб, ҳайкалтарош ўзининг “Аполлон”ини яратишдан олдин у спортчилар мусобақасини кузатган ва ҳеч бир ижод намунаси кучли ёш танадан гўзалроқ бўлмаслигини ҳис қилган, деб таъкидлаш мумкин. “Жасоратли, аммо айна пайтда юмшоқ ёшлик гўзаллиги ва нафосатининг тимсоли ҳайкалтарош Леохарнинг ижод маҳсули бўлган “Бельведерлик Аполлон” ҳайкали эди” [5, 97]. Машҳур тарихчи Винкельман “...Аполлон ҳайкали антик даврдан сақланиб қолган барча асарлар ичида санъатнинг энг мукаммалидир” деб ёзган эди [7, 168]. Қадимги юнон рассомлари ва шоирлари қатъиятли, тез ва кучли ҳаракат қилганда инсон нақадар улуғвор эканлигини англаб етганлар.

Спорт фаолиятининг барча турлари ва шаклларида инсонга эстетик таъсир кўрсатиш, унинг эстетик салоҳиятини, шахснинг эстетик маданиятини шакллантириш учун катта имкониятлар мавжуд, чунки спорт йўналиши аслида инсоннинг барча эстетик қадриятларининг намоёнидир.

Спорт муайян экспрессивликка эга ва ушбу экспрессивлик маълум бир шаклга эгадир. Аммо санъатдаги шакл статик ҳисобланади. Ҳайкаллар, расмлар спортчининг ҳаракатдаги элементини акс эттиради. Маданият нафақат мазмуни ва услуби, балки бойлиги, шаклларининг ривожланиши ва шунга мос равишда жамиятда фаолият кўрсатиш хусусияти билан ҳам фарқ қилиши мумкин.

И. Кон қуйидаги нуқтаи назарни илгари суради: юнонлар орасида рақобат тана қиёфаси даражасида акс этади. Юнон кишиси учун нафақат жисмоний куч ва ижтимоий ютуқлар, балки тана гўзаллиги ҳам муҳим эди. Бу қадимги юнон маданиятида эркак танаси эстетикасига бўлган эътиборни ифодалайди. Деярли барча спортчилар яланғоч ҳолда тасвирланган. Уларнинг тасвирлари биринчи навбатда жисмоний куч, эпчиллик ва нафислик билан ўзига жалб қилади.

МУҲОКАМАЛАР

“Юнонлар яланғоч эркак танасини қандай тасвирлашмасин, улар доимо унда гўзаллик тимсолини кўришган. “Марафонлик йигит” “Антикитерлик йигит”га ўхшамайди, “Боргесиялик жангчи” эса “Меркурий” га ўхшамайди, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда чиройли ва уларнинг барчаси эркак гўзаллигининг стандартлари бўлиб қолмоқда” [5, 101]. “Фақат ўз кучи, гўзаллиги ёки илоҳийлиги билан кийинган яланғоч одам қадимги юнон санъатида энг севимли тасвир объекти ҳисобланади” [5, 77]. Суқрот таъкидлаганидек: “Зевс номига қасамки, югурувчи атлетнинг гўзаллиги курашчининг гўзаллигига ўхшамайди... кўпинча югуриш учун гўзал бўлган киши курашда хунук, курашда гўзал бўлган киши югуриш учун хунук бўлиши мумкин” [3, 211].

Фричеда эса биз қуйидаги сатрларни учратамиз: “Элладада ҳайкалтарошлик энг қулай тарзда юнон маданиятининг устун ғояси, жисмоний мукамал тана ғоясини ўзида мужассам этган” [8, 61]. Инсон гўзалликнинг идеали эди. Қадимги Юнонистоннинг бутун санъати инсонга қаратилган. Биз юнонлар санъатида инсоннинг жисмоний камолотга интилиши, мукамал шахсни уйғун ривожлантириш йўналишларини кўришимиз мумкин. Қадимги юнонларнинг фикрича, инсоннинг танаси қанчалик гўзал бўлса, унинг ўзи ҳам шунчалик гўзалдир.

Рақиблар қарама-қаршилигида яратилган ҳаракат эстетикаси ва эстетик қадриятларни спортчиларнинг ўзларигина аниқ кўришлари ва қадрлашлари мумкин. Бундан ташқари, маълум бир спорт турининг гўзаллиги ушбу спорт тури билан шуғулланадиган спортчилар томонидангина тўлиқ баҳоланиши мумкин. Бироқ бадий идрок этиш қобилияти ривожланган ҳар қандай одам спортнинг гўзаллигини тўлиқ англаш учун зарур сезгирликка эга бўлиши аниқдир. Спорт мусобақаларини бадий нуқтаи назардан идрок эта олмасликни эстетик қонунларни билмаслик билан изоҳлаш мумкин. Спорт тадбирларини бадий шакл нуқтаи назаридан баҳолаш учун томошабин ҳам, спортчи ҳам улар ҳақида ҳеч бўлмаганда тасаввурга эга бўлиши керак. Б. Лоунинг фикрича, фақат ҳақиқий эстетикага эга одам спортчининг маҳоратини қадрлаши мумкин. Роджер Бэннистер ўзининг “Миля: биринчи марта тўрт дақиқа ичида” китобида шундай ёзган эди: “Мен югурганим сари ритм бутун вужудимни қамраб оларди. Мен энди ҳаракатларимни ҳис қилмасдим. Мен табиат билан янгича уйғунликни топдим. Бу янги куч ва гўзаллик манбаидир” [9, 96].

ХУЛОСАЛАР

Шундай қилиб, спортдаги эстетик фаолият турли шаклларда ҳаракат қилиши мумкин. “Эстетик жиҳатдан мазмунни энг яхши ифодаловчи мукамаллик шаклдир” [1, 158]. Эстетик томон ҳам тананинг жисмоний такомиллашувида намоён бўлади, чунки “маданият ҳар доим жисмоний маданият билан боғланганлиги сабабли, доимо инсон танаси билан ишлайди” [2, 78] ва ахлоқий жиҳатни, хусусан, маънавий фазилатларни шакллантиришда кўзга ташланади. Спорт фаолияти соҳасига жалб қилинган инсон нафақат ўзининг ижодий қобилиятларини намоён этиш ва амалга ошириш, балки гўзаллик, уйғунлик, яхшилик каби энг муҳим эстетик қадриятларнинг турли хил кўринишларини кузатиш имкониятига эга бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Визитей Н.Н. Физическая культура и спорт как социальное явление. Философские очерки/ Н.Н. Визитей. – Кишинев: Штиинца, 1986.
2. Ризаев И.И., Муминова З.О. Профессиональная подготовка личности: оздоровление и духовное воспитание // Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. – 2021. – С. 264–268.
3. Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов/ Диоген Лаэртский. – М., 1979; Кенофонт. Воспоминания о Сократе. Кн. Первая. Гл. 10. М. 1993.
4. Кайуа Р. Игры и люди / Р. Кайуа. – М.: ОГИ, 2007.
5. Аликулов С.А., Ризаев И.И. Синергетический анализ онтологической сущности процесса либерализации общества // Социальные институты в правовом измерении: теория и практика. – 2022. – С. 280–286.
6. Кон И. Мужское тело в истории культуры/ И. Кон. – М., 2003.
7. Мурахов И.В. спорт и физическая красота человека/ И.В. Мурахов. – Киев, 1981.
8. Кубертен П. Философские основы олимпийского движения/ П. Кубертен. – М., 1982.
9. Фриче В.М. Социология искусства / В.М. Фриче. – М.: Едиториал УРСС, 2003.
10. Тураев Б.О. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и время. – 1992.
11. Ризаев И.И., Омонтурдиев О.Г., Сафаров А.И., Ризаев О.О. (2022). Коэволюционное развитие самоорганизации: взаимосвязь стабильности и нестабильности в социальной системе. Человек. Знак. Техника: II междунар. междисциплинар. молодеж. форум: [сб. ст.]. – Текст: электронный. – Текст: электронный. – 2022.
12. Mardonov R. Historical and philosophical analysis of Eastern and Western education systems // International Journal For Advanced Research In Science & Technology / A peer reviewed international journal. www. ijarst. in. – 2021. – Т. 11. – №. 02. – С. 252–256.
13. Каримов Б.Р., Тураев Б.О. Научное предвидение как высшая форма опережающего отражения действительности. / Предвидение как форма научного познания. – 1985.
14. Rizaev I.I. The structure of the social system as the basis for the self-organization of society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 151–156.

15. Usmonov F.N. The role rationalization in the acceleration of life sequence // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 3. – С. 227–229.
16. Imomalievich R.I. Synergetic interpretation of society development // International Engineering Journal for Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 5-5.
17. Khotambekovna E.M. Systematic Analysis of Education // Research Jet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – Т. 2. – №. 07. – С. 85–96.
18. Khayitboy K., Ilhom R. The impact of liberalization on the development of the social system // International Engineering Journal for Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
19. Yuldashevna Y.D. Science and Its Significance in the Process of Forming Spiritual and Moral Values // Journal NX. – 2021. – Т. 7. – №. 04. – С. 248–253.
20. Rizaev I.I. Evolutionary mechanisms of self-organization of the social system // Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 9. – С. 81–86.
21. Husan M. Dialectics of Potentiality and Virtuality in Space and TIME // European Scholar Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 40–42.
22. Ulmasjonovich K.S. Mystical and Philosophical Foundations of Human Interaction // Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 19. – С. 358–364.
23. Alikulov S.A., Rizaev I.I. Methodological problems of research of social systems // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 717–720.
24. Тураев Б.О. Фанда толерантлик ва интолерантлик // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 23. – С. 41–48.
25. Mardonov R. Philosophical aspects of modern education // Conferencea. – 2021. – С. 15–17.